КУТУБХОНАСИ
ИНСТИТУТИ

ЗАМОН БИЛАН ҲАМНАФАС — 2-бет
ҲАМКОРЛИК РИШТАЛАРИ УЗИЛМАСИН — 3-бет
ПАРЛАМЕНТ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ? — 4-5 бетлар
«БИР КОШОНА СИРЛАРИ» СПЕКТАКЛИ ҲАҚИДА — 7-бет

ЧОРШАНБА

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ - СИЁСИЙ ГАЗЕТАСИ / № 192 (10.247) / 2004 ЙИЛ 6 ОКТЯБРЬ

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 5 октябрь куни Оқсаройда АҚШ Давлат котибининг ҳарбий-сиёсий масалалар бўйича ёрдамчиси Линкольн Блумфилдни қабул қилди.**

Учрашувда икки мамлакат ўртасида кўплаб соҳаларда, хусусан, минтақавий хавфсизликни таъминлаш, трансмиллий таҳдидларга қарши кураш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасида ҳамкорлик алоқаларининг тобора мустаҳкамланиб бораётгани таъкидланди.

Марказий Осиё минтақаси хавфсизлиги Афғонистонда мустаҳкам тинчлик ва барқарорликнинг қарор топишига ҳам боғлиқ экани қайд этилди. Ўзбекистон ва АҚШ Афғонистоннинг сиёсий ва иқтисодий тикланиши йўлида ҳамкорликда талай ишларни амалга ошираётир.

Оқсаройдаги учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига, минтақавий хавфсизликка, халқаро терроризмга қарши биргаликда курашишга оид масалалар муҳокама этилди.

* * *

Шу куни Л.Блумфилд Ўзбекистон Республикаси ташқи ишлар вазири С.Сафоев ва мудофаа вазири Қ.Ғуломов билан ҳам музокаралар ўтказди.

(ЎзА)

## ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**26 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов куни**

**Курраи заминда инсон пайдо бўлганидан буён ўтган минг йиллар мобайнида одат тусига айланган энг муҳим ҳодисалардан бири бу, шубҳасиз, одамзотнинг қонун асосида яшаш ва ишлашга ўрганганидир. Бугун жаҳоннинг деярли барча мамлакатларида қонун кундалик турмушнинг асосий мезонига айланган.**

**Эркин демократик жамият қуриш истаги билан яшаётган ҳар бир халқ яратилаётган ҳар бир қонуннинг адолатли, халқчил, содда ва тушунарли, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини янада чуқурроқ ҳимоя қила оладиган бўлишига эришишга интилади.**

**Бунинг учун Президентимиз Ислом Каримов айтганларидек, албатта, қонунчилик жараёнини, аввало қонун қабул қилувчи орган фаолиятини янада такомиллаштириш тақозо этилади. Мамлакатимизда олий давлат вакиллик органи ҳисобланадиган ва қонун чиқарувчи ҳокимиятни амалга оширадиган Олий Мажлиснинг келгусида икки палатали парламент тизимига ўтиши ҳам ушбу мақсадга йўналтирилган.**

**2002 йилнинг 27 январида ўтказилган референдум ва у асосида қабул қилинган «Референдум якунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида»ги, «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги конституциявий қонунлар икки палатали парламент тизимига ўтиш учун зарур ҳуқуқий асосни яратди.**

**Ўзбекистон Конституциясига тегишли ўзгартишлар киритилди, сайлов тўғрисидаги қонунларимиз такомиллаштирилди.**

**Хўш, икки палатали парламент тизимига ўтишнинг моҳияти нимада? У қандай шакллантирилади? Қандай ваколатларга эга бўлади ва қандай тузилмалардан таркиб топади?**

Давоми 4-5-бетларда.



**КЕЧА шаҳримиздаги «Ўзэкспомарказ» савдо кўргазмалар марказида «Бу — Польша» номли Польша миллий кўргазмаси очилди.**

*Кўргазмалар*

## ПОЛЬША МАҲСУЛОТЛАРИ НАМОЙИШИ



Бундай кенг кўламдаги кўргазманинг ташкил этилиши Польша ҳукуматининг Ўзбекистонни Марказий Осиёдаги муҳим иқтисодий ҳамкори сифатида билиб, у билан муносабатларни ривожлантиришга катта эътибор қаратаётганидан ёрқин далолатдир.

Кўргазмада электротехника, фармацевтика, қурилиш, озиқ-овқат, мебель саноати каби тармоқлар, телекоммуникациялар, қишлоқ хўжалиги соҳаларини мужассам этувчи поляк тадбиркорларининг кўп сонли вакиллари иштирок этмоқда.

Кўргазмага қўйилган замонавий маҳсулотларга назар ташлар эканмиз, ўз фаолиятини шифобахш ўсимликларни ўрганиш тажрибаси асосида юритувчи Варшаванинг «Гербаполь» дори-дармон ўсимликлари заводи экспозициялари диққатимизни тортди. Корхонанинг дори-дармонлари, косметика маҳсулотлари жаҳоннинг кўпгина мамлакатларида харид қилинади. Препаратлари халқаро ва ўз Ватанида ўтказилган кўргазма-ярмаркаларда кўп марталаб совринларга эга бўлган.

«Краков нефть газ излаш» масъулияти чекланган жамияти, мана 50 йилдан ошдики бурғулаш ишларини ташкил этиш, нефть ва табиий газ конларини очиш соҳаларида фаолият кўрсатиб келмоқда. «СЕТ» компанияси эса кўргазмада концентрик, телекоммуникацион аппаратлар, микрофонлар ва кабелларни намойиш этмоқда. Улар ичида кўплаб янги ишланмалар мавжуд.

Польша саноат товарлари тақдимотини ўтказиш жойи сифатида Тошкентнинг танлангани бежиз эмас. Зеро мамлакатимиз пойтахти муҳим иқтисодий, илмий ва маданий марказ ҳисобланади. Шунингдек, юртимизнинг қулай геосиёсий маконда жойлашуви ҳам муҳим ўрин тутади. Кўргазманинг биринчи куниёқ ўзаро амалий алоқаларни ривожлантириш борасида кенг имкониятлар мавжуд эканлигини кўрсатди. Ўзбекистонлик тадбиркорлар томонидан ишлаб чиқарилган товарлар кўргазмасини Варшавада ташкил этиш нияти ҳам бундан яққол далолат беради.

Кўргазманинг дастлабки кунида мамлакатимиз ишбилармонлари иштирокида бизнес-семинар ҳам ташкил этилди.

**(Ўз мухбиримиз)**

**СУРАТЛАРДА: кўргазмадан лавҳалар.**

**Наталья Семенова олган суратлар.**

## ХХI аср садоси

Барча манбалардан олинган сўнгги хабарлар

### Мамлакатимизда

**• Тошкентда Ўзбекистон Фанлар академияси Ядро физикаси институти ва Туркия Атом энергияси агентлиги томонидан ташкил этилган «Ядро фани ва унинг татбиқи» мавзуидаги учинчи Евроосиё конференцияси ўз ишини бошлади.**

**• Кеча Тошкентда «Ўзбекистон шароитида француз иссиқхоналарининг янги технологиялари» мавзуида конференция бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчиларига франциялик ишбилармонлар томонидан қўлланилаётган технологиялар, уларнинг хусусиятлари ҳақида батафсил маълумот берилди.**

**• Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, касб-ҳунар таълим маркази республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда «Ардоқлайди сизларни Ватан» мавзуида хайрия тадбирини ўтказди.**

**• Тахтакўпир тумани деҳқонлари давлатга 3 минг 200 тонна пахта топшириб, шартнома мажбуриятини ортиғи билан уддалашди. Ҳосил байрами туманда бунёд этилган «Ойдўсқалъа» санаторийсининг очилиши тантаналарига уланиб кетди.**

**• Андижон вилояти, Шаҳрихон шаҳрида янги пахтани қайта ишлаш корхонаси ўз фаолиятини бошлади. Ушбу мавсумда мазкур корхона 27 минг тоннадан ортиқ пахтани қайта ишлайди.**

**• Қашқадарё вилоятининг Китоб тумани пахтакорлари қабул пунктларига салкам 10 минг тонна хом ашё етказиб бериб давлатга пахта сотиш шартнома мажбуриятини бажарди.**

**• Тошкент вилоятида жойлашган «Аранчи» аэродромида «Ватанпарвар» ташкилотига қарашли миллий авиация клубининг 70 йиллигига бағишланган авиация спорти байрами бўлиб ўтди.**

### Жаҳонда

**• Абхазияда сайловчиларнинг фаоллиги остида президентлик сайловлари бўлиб ўтди. Бироқ, ушбу сайловлар жаҳон ҳамжамияти томонидан тан олинмади.**

**• Швецияда 103-Нобель ҳафталиги бошланди. Ундан физиология ва тиббиёт соҳасида Нобель мукофотига муносиб деб топилган олимларнинг ишлари ўрин олди.**

**• Халқаро валюта жамғармасининг директорлар кенгаши Ироққа 436 миллион доллар миқдорида молиявий кўмак ажратилишини маъқуллади.**

**• АҚШ маъмурлари 12 та компанияга Эронга оммавий қирғин қуролини тайёрлаш бўйича технологияларни сотганлиги учун санкциялар белгиланганлигини маълум қилишди.**

## Пойтахтнинг бир куни

**Янгиликлар, воқеалар**

### Қисқа сатрларда

● **КЕЧА** Бектемир тумани Марказий кутубхонасида «Бектемир» маҳалласи ёшлари, ҳарбий хизматга чақирилувчилар иштирокида уюштирилган тадбир «Ёшлар овози» деб номланди.

● **КЕЧА** Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети талабалари ва ўқитувчилари Муқимий номли мусиқали драма театрига таклиф этилди. «Ўлдинг, азиз бўлдинг» спектакли намойиши йиғилганларда илиқ таассурот қолдирди.

● **ЮНУСОБОД** туманидаги 51, 143-мактабларда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ва «Камалак» болалар ташкилоти бошланғич ташкилотлари ташаббуси билан ўқитувчилар, ўқувчилар учун концерт дастурлари ташкил этилди.

● **БОБУР** номидаги маданият ва истироҳат боғида халқ таълими муассасалари ходимлари иштирокида ўтказилган тадбирда Яккасарой туман ИИБ, туман халқ таълими, маданият бўлимлари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими вакиллари иштирок этишди. Унда «Камолот» ЁИҲ ва «Камалак» болалар ташкилоти бошланғич ташкилотлари етакчиларига кўкрак нишонлари топширилди.

● «**КАМОЛОТ**» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети бошланғич ташкилоти ташаббуси билан талабалар томонидан тайёрланган деворий газета «Олий даргоҳ мураббийси» деб номланди.

● **ЖАҲОН** иқтисодиёти ва дипломатия университетида ҳозирги замон ёшлари муаммоларига бағишланган тадбир ўтказилди.

● **ЮНУС** Ражабий номидаги Тошкент педагогика коллежи қайта таъмирланган янги бинода фаолият бошлади.

● «**ЭКОСАН**» халқаро жамғармаси ташаббуси билан экологлар, педогоглар иштирокида «Экологик таълим-тарбиянинг долзарб масалалари» мавзуида анжуман бўлиб ўтди.

● **ШАҲРИМИЗДАГИ** Ҳамидулла Ҳасанов номли 126-мактабда ўқувчилар учун янги тўгараклар ташкил этилди. Ҳозирда мазкур илм масканида 17 та фан тўгараги ҳамда 5 та спорт секциялари ўқувчилар хизматида.

● «**SOS**» — Болалар маҳалласида ўтказилган «Спорт — тинчлик элчиси» мавзуидаги тадбирда Франциянинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари иштирок этишди.

# ИСЛОМ ТАРАҚҚИЁТ БАНКИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА МОЛИЯВИЙ КЎМАГИ

**Ислом тараққиёт банки /ИТБ/ бошқарувчилар кенгашининг Теҳронда бўлиб ўтган 29-йиллик мажлисида Ўзбекистон Республикасининг Ислом тараққиёт банки билан инвестициявий ҳамкорлик дастури доирасида 52,6 миллион АҚШ доллари микдоридаги тўртта лойиҳа бўйича молиявий шартнома имзоланди.**

Бу Ўзбекистон Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банкига кичик бизнес лойиҳаларини молиялаш учун тақдим этилган 15 миллион АҚШ доллари, асфальт заводини модернизация қилиш ва йўллар қуриш ҳамда уларга хизмат кўрсатиш ускуналарини сотиб олиш учун 12,5 миллион доллар, «Сирдарё» электр станциясидан «Сўғдиёна» кичик станциясигача электр узатиш тармоғи қурилиши учун 25 миллион доллар, инвестиция компаниясини ташкил этиш лойиҳасини тайёрлаш учун 143 минг АҚШ долларига тенг грантдан иборат кредит линиясидир.

Жорий йилнинг май ойида Ислом тараққиёт банки билан Ўзбекистон шошилинч тиббий ёрдам марказининг вилоят бўлимларини ускуналар билан жиҳозлаш бўйича лойиҳани амалга ошириш учун 23,8 миллион АҚШ долларига тенг молиявий битим имзоланган ва хусусий тармоқ лойиҳаларини ҳукумат кафолатисиз қўллаб-қувватлаш бўйича кредит линияси доирасида 27,6 миллион долларлик икки лойиҳани молиялаш тўғрисида қарор қабул қилинган эди.

Мамлакатимиз Ислом тараққиёт банкига аъзо бўлгандан буён ўтган бир йил ичида келишилган Ҳамкорлик дастурига мувофиқ умумий қиймати 104,4 миллион АҚШ долларига тенг саккизта лойиҳа молиялаш учун тасдиқланди. Бу эса Ўзбекистоннинг мазкур нуфузли халқаро молия институти билан алоқалари жадал ривожланаётганидан далолат беради.

Айни пайтда ИТБнинг имтиёзли молиялаш схемалари доирасида мактаблар, коллеж ва академик лицейлар қуриш ҳамда жиҳозлаш учун умумий қиймати 18 миллион АҚШ долларига тенг иккита лойиҳа тайёрланмоқда.

Ислом тараққиёт банки Тошкент шаҳрида иссиқлик-сув таъминоти тизимини модернизация қилиш лойиҳасини тайёрлаш бўйича техник ёрдам кўрсатиш учун грант ажратиш имкониятини кўриб чиқмоқда.

Умуман 2005-2007 йилларда Ўзбекистон Республикасининг Ислом тараққиёт банки билан Ҳамкорлик дастурига мувофиқ умумий қиймати 400 миллион АҚШ долларига тенг инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш мўлжалланмоқда.

# ЎЗБЕКИСТОН — ИСЛОМ ХУСУСИЙ ТАРМОҚНИ РИВОЖЛАНТИРИШ КОРПОРАЦИЯСИ АЪЗОСИ

**Ўзбекистон ислом хусусий тармоқни ривожлантириш корпорациясининг (ИРК) тенг ҳуқуқли аъзоси бўлди. Теҳронда Ислом тараққиёт банки (ИТБ) бошқарувчилар кенгашининг йиллик мажлиси доирасида ўтган мазкур халқаро ташкилотнинг 4-Бош ассамблеясида шундай қарор қабул қилинди.**

ИРК 1999 йилда Ислом тараққиёт банкининг (ИТБ) бўлинмаси сифатида ташкил этилган бўлиб, корпорацияга аъзо мамлакатлар хусусий тармоғига хизмат кўрсатувчи халқаро молиявий ташкилот ҳисобланади.

Бугунги кунда 42 мамлакат ва 5 жамоатчилик молия ташкилоти ИРК аъзосидир.

ИРКнинг низом жамғармаси 1 миллиард АҚШ доллари бўлиб, шундан 500 миллиони корпорацияга аъзо мамлакатлар бадалларидан иборат ва у қуйидагича тақсимланган: 50 фоизи — ИТБ, 30 фоизи — аъзо мамлакатлар, 20 фоизи — аъзо мамлакатлар молия ташкилотлари.

ИРК хусусий тармоққа инвестициялар учун фондларни сафарбар қилиш, давлат ва хусусий тармоққа маслаҳат хизмати кўрсатиш йўли билан компанияларни хусусийлаштириш ва реструктуризация қилиш дастурларида қатнашади, ислом сармоя бозорини ривожлантиришга кўмаклашади.

ИРК тўғридан-тўғри молиялаш, активларни бошқариш, тузилмавий молиялаш, маслаҳат бериш каби хизматлар кўрсатади. Молиялаш услублари капитал ва даромадда шерик бўлиш, лизинг операциялари, қисман сотиш кабиларни ўз ичига олади.

Қуйидагилар мақбул лойиҳалар ҳисобланади: «Greenfield» — иқтисодиёт ривожига таъсир кўрсатадиган янги компаниялар ва дастурларни молиялаш, мавжуд лойиҳаларни кенгайтириш учун молиялаш ёки инвестиция киритиш, реструктуризация ва реабилитация қилиш, хусусийлаштириш операциялари — давлат улушини акциялар умумий қийматининг 49 фоизидан оширмаслик.

2003-2004 йилларда ИРК умумий қиймати 57 миллион АҚШ долларига тенг 11 лойиҳани молиялашни маъқуллади. ИРК лойиҳалари агробизнес, нефть ва газ, фармацевтика, телекоммуникация ва молия каби тармоқларга тақсимланган. ИРК ташкил этилганидан буён умумий қиймати 193,6 миллион АҚШ долларига тенг 32 лойиҳани маъқуллаган.

**ЎзА**

# ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ: ҲАМКОРЛИК ЧУҚУРЛАШМОҚДА

**Москвада Россия Федерацияси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссиянинг еттинчи мажлиси бўлиб ўтди. Уни Россия томонидан Саноат бўйича федерал агентлик раҳбари Борис Алёшин, Ўзбекистон томонидан Бош вазир ўринбосари Ўткир Султонов бошқарди.**

Мажлисда ёнилғи-энергетика мажмуаси, авиация саноати корхоналари, транспорт, сув хўжалиги, ҳарбий-техникавий ва илмий-техникавий соҳалардаги ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди.

— Ҳукуматлараро комиссиянинг мазкур мажлиси амалий, ишчан ва самимий руҳда ўтди, — дейди "Жаҳон" ахборот агентлиги мухбири билан суҳбатда Борис Алёшин. – Бугун икки томонлама ҳамкорлик кўплаб йўналишлар бўйича изчил ривож топмоқда. Менимча, "Газпром", "Лукойл", "Вимм Биль Дан. Озиқ-овқат маҳсулотлари", "Черкизовский" каби йирик компанияларнинг ўзбек бозорига кириб келгани эътиборга лойиқ воқеадир. Ҳукуматлараро комиссия мажлиси Ўзбекистон — Россия ҳамкорлиги турли соҳаларда, жумладан, ҳарбий-техникавий йўналишда катта имкониятларга эга эканини кўрсатди.

Мажлис якунида икки томонлама протокол имзоланди. Шунингдек, Ўзбекистон Миллий банки томонидан "Осиё Инвест Банк"ка сармоявий лойиҳаларни молиялаштириш ва Ўзбекистондан Россияга экспортни рағбатлантириш учун 60 миллион доллар миқдорида кредит линиясини очиш тўғрисида, "Ўзбекнефтегаз" ва "Лукойл Оверсис Холдинг" компаниялари ўртасида ўзбек конларини ўзлаштиришда маҳсулот тақсимоти тўғрисида битимлар қабул қилинди. Бундан аввал икки мамлакат Марказий банклари ўртасида ҳам битим имзоланган эди.

Мажлис чоғида комиссия фаолиятини янада жонлантириш ҳақида киритилган таклиф ҳар икки томондан қўллаб-қувватланди. Хусусан, кейинги йилнинг баҳорида ҳукуматлараро комиссия ҳамраисларининг амалий учрашувини ўтказишга келишиб олинди.

**"Жаҳон" АА**

*Маиший хизмат*

# ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

**Ҳозирда аҳолига маиший хизмат кўрсатиш соҳаси ҳам кенг ривожланмоқда. Чилонзор туманида фаолият юритаётган хусусий тадбиркор Константин Игнатов саъй-ҳаракатлари билан очилган «Игнатов» корхонаси ҳам аҳоли эътиборига сазовор бўлаётган маиший хизмат кўрсатиш нуқталари сирасига киради.**



— Кўпдан буён ўйлаб юрган орзуим ушалди, хусусий тадбиркор сифатида 2000 йилда иш бошлаган бўлсам, — дейди «Игнатов» кимёвий тозалаш корхонаси раҳбари Константин Игнатов, — 2002 йилда экологик тоза корхона очиш ниятимни амалга оширдим. Асосий эътиборни сифатга қаратганимиз боис, нафақат туманимиз аҳолиси, балки пойтахтликлар назарига тушдик.

Дарҳақиқат, замон билан ҳамнафас қадам ташлаётган тадбиркорлар бугунги мижознинг диди, хоҳиш-истагини ҳисобга олган ҳолда иш юритмоқдалар. Жумладан, «Игнатов» кимёвий тозалаш корхонаси томонидан кўрсатилаётган арзон ҳамда сифатли хизмат аҳолини мамнун этмоқда. Асосийси, тадбиркор даставвал Америка, Германия, Италия давлатларидаги ушбу турдаги корхоналарда қўлланилаётган юксак технологиялар билан қизиқди, уларни синчковлик билан ўрганди. Ўз корхонасига ҳам Германиядан замонавий ускуналар келтириб, ўрнатди.

Мазкур корхонада бир кунда 90 килограммдан ортиқ барча турдаги кийим-кечаклар, одеял ҳамда тўшамалар жаҳон андозаларига мос тарзда кимёвий тозаланади. Эътиборли томони шундаки, корхонада мижозлар буюртмаси 24 соат мобайнида, керак бўлганда эса 60 ёки 90 дақиқада ҳам сифатли тозалаб берилади ҳамда бу хизмат учун устама ҳақ олинмайди.

Хусусий тадбиркор келгусида Италия давлатининг етакчи фирмасида тайёрланган энг охирги русумдаги кир ювиш машиналарини харид қилиш ниятида ва аҳолига янги хизмат турини тавсия этишни режалаган.

Хуллас, «Элга хизмат — олий ҳиммат» деб халқимиз бежиз айтмайди. Игнатов каби хусусий тадбиркорлар ҳам бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда мижозларнинг таклифлари асосида иш юритмоқдалар. Тўғри йўл топа билиш эса эртага албатта, муваффақиятлар сари етаклаши аниқ.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**

**СУРАТДА: хусусий тадбиркор Константин Игнатов тиниб-тинчимас раҳбарлардан.**

**Алексей Попов олган сурат.**

*Таълим*

## ИЗЛАНИШЛАР НАТИЖАЛАРИ

**Тошкент Давлат авиация институтининг «Конструкция ва самолётларни лойиҳалаш» кафедраси ташкил топганига 30 йил бўлди. Бу давр ичида кафедра шу соҳа бўйича кўплаб малакали кадрларни етиштириб чиқарди.**

Бугунги кунда «Авиасозлик ва ракета-космик техника», «Конструкция ва учиш аппаратларини лойиҳалаш» мутахассисликларидан ўқув-амалий машғулотлар кенг йўлга қўйилган.

«Сапр самолётлари» деб номланган илмий-тадқиқот лабораториясида олиб борилаётган изланишлар ҳам кутилган натижаларни бермоқда. Халқ хўжалигида ишлатиладиган самолётларни такомиллаштиришга оид лойиҳа-конструкторлик ишлари ҳам юзага келди. Кафедрада иқтидорли талабалар иштирокида енгил самолётларнинг техник ҳужжатлари тайёрланди.

Давлат илмий-техника дастури доирасида амалга оширилган тадқиқотлар ҳам яхши самара берди. Қуёш энергиясидан фойдаланиш имконини берадиган қурилма намунаси ҳам яратилди. Бундай изланишларда кафедра магистрантлари ҳам фаоллик кўрсатмоқдалар.

## ЗАМОНАГА МОС МУТАХАССИСЛИКЛАР

**Тошкент Ахборот технологиялари университети янги ўқув муассасаси мақомини олгач бу ерда таълимнинг қатор замонавий йўналишлари йўлга қўйила бошланди. Давр талаби асосида юзага келаётган бу янгиликлар ахборот ва телекоммуникациялар учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаш борасида мустаҳкам техник негиз яратмоқда.**

«Ахборот хавфсизлиги», «Электрон коммерция» каби истиқболли ўқув курслари ташкил топди. «Ахборотларни автоматлаштирилган тизимда қайта ишлашни бошқариш» деган янги мутахассислик йўлга қўйилди. «Мобилли алоқа тизими»дан ўқув машғулотлари олиб борилмоқда.

Ҳисоблаш машиналари, тизимлар, математик ва дастурий таълимот» деган янги соҳалар бўйича таълим олаётган талаба ёшлар кўпчилики ташкил этмоқда.

Айни вақтда янги ихтисосликлардан дарслик ва ўқув қўлланмаларини чоп этиш тараддуди кўрилмоқда.

**Анвар ВАЛИЕВ**

*2004 — Меҳр ва мурувват йили*

# «АРДОҚЛАЙДИ СИЗЛАРНИ ВАТАН»

**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети академик лицейида «Ардоқлайди сизларни Ватан» мавзуида адабий-мусиқий кеча бўлиб ўтди. Меҳр ва мурувват йилига бағишланган ушбу тадбир Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази ташаббуси билан ташкил этилди.**

Тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қисмини ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади. Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов ташаббуси билан эълон қилинган Меҳр ва мурувват йилида бундай хайрли ишлар кўлами янада кенгайди.

Бу йил Тошкент шаҳридаги меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг умумий ўрта мактабни муваффақиятли тамомлаган аксарият битирувчилари академик лицей ва касб-ҳунар коллежларига ўқишга кирди. Тадбирга ана шундай ёшлардан 120 нафари таклиф этилди ва уларга ташкилотчилар томонидан ўқув қуроллари, илмий адабиётлардан иборат совғалар топширилди.

Кеча таниқли санъаткорлар ва ёш ижрочилар иштирокидаги театрлаштирилган мусиқий дастур намойиши билан ниҳоясига етди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири**

*Ҳамкорлик риштолари*

# ТОШКЕНТ — РИГА: ЎЗАРО МУНОСАБАТЛАРНИНГ МУҲИМ БОСҚИЧИ

**Мамлакатимизда бир ҳафта давомида Рига Думаси раиси Гундаре Бояре бошчилигидаги Латвия Республикаси пойтахти делегацияси меҳмон бўлди.**

Ташриф чоғида делегация аъзолари Тошкент шаҳар ҳокими Рустам Шоабдураҳмонов билан учрашди. Икки шаҳар маъмурияти раҳбарларининг кенг доирада бўлиб ўтган суҳбати давомида меҳмонлар пойтахтимизнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ривожланишига оид тўлиқ ахборотга эга бўлдилар, жумладан иқтисодиётнинг устувор йўналишлари, ҳамкорлар билан муносабатларни чуқурлаштириш, халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқариш, транспорт каби иқтисодиётнинг талаб юқори бўлган тармоқларига инвестицияларни жалб этиш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтилди.

— Ўзбекистон ва Латвия ўртасидаги муносабатлар ўзаро бир-бирини тушуниш, ҳамкорлик ва бирдамлик асосига қурилган, десак адашмаймиз, — хусусан таъкидлаб ўтди жаноб Гундаре Бояре. —Халқларимизни тарихий синовлар ва олдимизда турган вазифаларнинг муштараклиги бир-бирига боғлаб туради. Бизга яхши маълумки, давлатларимиз раҳбарлари ҳамкорлигимизни янада кенгайтириш истагини кўп маротаба таъкидлаб ўтишган. Мамлакатларимиз тарихи жаҳон савдо йўлларининг тараққиёти билан узвий боғлиқ. Бугунги кунда мамлакатларимиз келгуси авлодлар янада яхши ҳаёт кечириши учун халқаро ташкилотлар доирасида ҳамкорлик қилмоқда, савдони ривожлантирмоқда. Латвия стратегик мақсадлари йўлида қанчалик қатъий ҳаракат қилмасин, ишончли дўст ва ҳамкорларсиз уларга эришиши амри маҳол. Бундай мамлакатлар орасида бизни аввалдан қўллаб-қувватлаган Ўзбекистон ҳам бор.

Таъкидлаб ўтиш жоизки, Рига делегациясининг Ўзбекистонга ташрифи мамлакатимиз Президенти Ислом Каримовнинг 2004 йилнинг апрель ойида Латвия Республикасига иккинчи маротаба бўлган давлат ташрифи доирасида эришилган ҳамкорликка асосланган. Айнан ўша кезда бир қатор муҳим ҳужжатлар қаторида Тошкент ва Рига шаҳарлари ўртасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим ҳам имзоланганди.

— Тошкентга келишимиздан асосий мақсад — алоқаларимизни чуқурлаштириш борасидаги муҳим вазифаларга аниқлик киритиб,уларнинг амалий ривож топишига эришишдир, — деди делегация раҳбари. — Биринчи навбатда, иқтисодий ҳамкорликни кенгайтиришимиз лозим. — Жумладан, Рига — Тошкент — Рига авиайўналишини очиш, мамлакатингизга янги авлод трамвай транспортини келтириш ниятимиз бор. Бугунги кунда россиялик шериклар билан биргаликда амалга оширилаётган ушбу лойиҳа 2007 йилнинг бошларида амалий кўринишга эга бўлади. Ўз навбатида, шу йилнинг май ойида «Рига вагон таъмирлаш заводи» ва «Тошшаҳарйўловчитранс» акциядорлик компаниялари ўртасида имзоланган битим ҳам амалий тусга эга бўлишига шубҳа йўқ. Шу йили биз Европа Иттифоқи сафидан жой олдик. ЕИга аъзолик катта масъулият юклайди. Бунинг негизида мамлакатимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш ва унинг жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувини жадаллаштириш мақсади мужассам. Ўзбекистон учун эса Европа оиласига йўл янада яқинлашиб, ҳамкорлик учун янги-янги имкониятлар вужудга келмоқда, дейишимиз мумкин. Дарвоқе, Ўзбекистон экспортининг асосий қисми Европага Латвия ҳудуди ва денгиз бандаргоҳлари орқали етказилади. Бу борада айни пайтда таъмирланиб, такомиллаштирилаётган Рига порти ҳам алоҳида ўрин тутади. Муҳим вазифаларимиз қаторига шунингдек, Европа андозаларига мувофиқ меҳмонхона бизнесини йўлга қўйиш киради. Шуни очиқ равишда айтишим мумкинки, бу йўналишда сиз кўп ютуқларга эришгансиз ва сиздан ўрганишга, тажриба алмашишга мойиллигимиз йўқ эмас. Бундан ташқари, энг мураккаб ҳисобланган коммунал соҳасида ҳам Ўзбекистонда анча кўп ишлар амалга оширилган. Биз, масалан, эндиэнди уй-жой мулкдорлари тизимини яратишга қадам қўймоқдамиз. Маълум бўлишича, Тошкентда уй-жойлар тўлиқ хусусийлаштирилган ва бугунги кунда кўп қаватли уй-жой фонди хонадонлар эгалари томонидан сайланган ширкат аъзолари томонидан бошқарилар экан. Уйлаймизки, ушбу масалада мутахассисларимиз алоҳида кенгашиб олишса фойдадан ҳоли бўлмасди.

Мамлакатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаб юритган сиёсати самараси туфайли Ўзбекистон ўз вақтида Латвия ва умуман Болтиқбўйи давлатларининг мустақиллигини қўллабқувватлади. Бундай сиёсат самараси ўлароқ мазкур мамлакатлар билан Ўзбекистоннинг ҳамкорлиги изчил ривожланди. Дарҳақиқат, Г. Бояре таъкидлаганидек, Латвия ўзининг мукаммал бандаргоҳ инфратузилмаси ва фаол ҳаракатдаги транспорт-транзит тизими билан маҳсулотларимизни Европа бозорига етказишда салмоқли кўмак бериши мумкин. Эслатиб ўтамиз, бугун Ўзбекистон экспорт юкларининг тўртдан бир қисмига яқини Латвия йўналишида жўнатилмоқда. Ўз навбатида Латвия ҳам Ўзбекистон бозоридаги иштирокини кенгайтиришдан манфаатдор.

Бугунги кунда Латвия 32 та компаниясининг асосий капиталидаги ўзбек сармояларининг ҳажми бир миллион долларга яқин маблағни ташкил қилади. Ўзбекистонда, хусусан Тошкентда латвиялик сармоядорлар иштирокида 19 та корхона фаолият юритмоқда. Ўзбекистон бозорида Латвиянинг «Балдерайя» акциядорлик компанияси яхши танилган. Бунга ўзбекистонлик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган иккита қўшма корхона мисол бўла олади. «Тошкент-мебель» ва «Балдерайя» акциядорлик компаниялари таъсисчилигида самарали фаолият юритаётган «Диенвиди» ва «Шарқ Райтуми» қўшма корхоналари турли мебель жиҳозларини ишлаб чиқаришга йўналтирилган ва кейинги пайтда тайёрланаётган маҳсулотлар ҳажми 300 миллион сўмга етган. Мазкур корхоналар тузилишига 225 минг АҚШ доллари миқдорида инвестиция киритилган. Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш кераккки, «Диенвиди» мамлакатимизнинг шу соҳасига биринчилардан бўлиб салмоқли ҳисса қўшган корхона ҳисобланади.

Латвиянинг «Балтикумслизинг» компанияси технологияси асосида фаолият юритиб келаётган «Рута-Прайнт» қўшма корхонаси ҳам ички бозоримизда ўзининг ношрлик маҳсулотлари билан яхши танилган ва бугунга келиб ушбу корхона томонидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 500 миллион сўмга яқиндир.

Пойтахтимизда латвиялик сармоядорлар иштирокида фаолият юритаётган корхоналарнинг иккитаси тўлиқ хорижий инвестициялар ҳисобига тузилган. Жорий йилнинг биринчи августига қадар мамлакатимиз пойтахти ва Латвия ўртасидаги ташқи савдо айланмаси 22 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Шунингдек, экспорт ҳажми уч ярим ўрта ҳисобда деярли ўн барободарга юқорилагани кузатилмоқда. Асосан Латвия Республикасига Ўзбекистондан машина, асбоб-ускуналар, турли хизматлар экспорт қилинади. Болтиқбўйи давлатларидан Ўзбекистонга эса ёғоч хом ашёси ва унинг таркибий маҳсулотлари, шунингдек, центрифуга, қуритгич, фильтраш каби техник асбоб-ускуналар келтирилади. Латвиялик ҳамкорлар инвестициялари асосида пойтахтимизда фаолият юритаётган корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқаришдан ташқари, молия-кредит, алоқа, аудит, дастурли таъминлаш каби хизматларни кенг жорий этиб келмоқда ва айни пайтда ўз тасарруфида 250 дан зиёд малакали мутахассисларни иш билан банд қилган. Янги лойиҳалар қаторига «Лайма» қандолатчилик компанияси билан пойтахтимизда карамель ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, Латвия сармоядорлари ва мутахассислари иштирокида қурилиш материаллари ва фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқаришга йўналтирилган юксак технологияларни яратиш киради.

Шуни ҳам алоҳида айтиб ўтиш лозимки, маданий ҳамкорлик борасида ҳам кўзга кўринарли ишлар амалга оширилган. Жумладан, мамлакатимиз Президентининг Латвияга бўлган ташрифи доирасида Рига марказидаги «Кронвольда» боғида Мирзо Улуғбек ҳайкали очилган ва бу латишларнинг Ўзбекистон миллий-маданий ва илмий меросига катта эҳтиромидан далолатдир. Шубҳасиз, буюк бобомиз Мирзо Улуғбек ҳайкали Ўзбекистон ва Латвия дўстлигининг рамзига айланган. Икки юртни ажратиб турувчи бир неча минг километр масофага қарамасдан, олимларимиз, таълим ва маданият соҳаси вакиллари, спортчиларимиз фаол ҳамкорлик қилмоқда. Мисол учун «Аъло» ансамбли ўтган йили Латвиянинг Юрмала шаҳрида бўлиб ўтган «Новая волна» халқаро эстрада танловида, латвиялик санъаткорлар эса Самарқанддаги «Шарқ тароналари» халқаро фестивалида муваффақиятли иштирок этдилар.

Рига делегациясининг Тошкентга ташрифи давомида яна шу нарса ойдинлашдики, ҳамкорларимизнинг мамлакатимизга бўлган қизиқиши айниқса, иқтисодий ва маданий соҳалардаги алоқаларни кенгайтириш борасида жуда катта. Меҳмонлар Шарқнинг дурдонасига айланган азим Самарқанд, пойтахтимизнинг тарихий обидалари билан яқиндан танишишди, Чорвоқ, кўлдаги «Гольф-клуб» каби сўлим гўшаларда дам олишди. Шунингдек, улар шаҳар савдо-саноат палатаси томонидан ташкил этилган бизнес семинарда ҳам қатнашишди.

Шубҳасиз, Латвия Республикаси пойтахти маъмуриятининг Тошкентга ташрифи мазмунли кечди дейишга ҳақлимиз ва ният қиламизки, меҳмонларимизнинг барча олган таассуротлари икки давлат ҳамда пойтахт шаҳарларининг ўртасидаги ўзаро муносабатларининг ривожланишига хизмат қилади.

**Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА**

# ИККИ ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ ИСТИҚБОЛЛАРИ

**26 ДЕКАБРЬ — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига ва маҳаллий Кенгашларга сайлов куни**

Давоми. Боши 1-бетда.

## БИР ПАЛАТАЛИ ПАРЛАМЕНТ АФЗАЛМИ ЁКИ ИККИ ПАЛАТАЛИ?

Бир палатали парламентлар одатда ҳудуди, аҳолисининг сони камроқ бўлган давлатларда, икки палатали парламентлар эса, аксинча, ҳудуди каттароқ ва аҳолисининг сони кўпроқ бўлган давлатларда фаолият кўрсатади.

Бир палатали парламент тизимининг ўзига хос ижобий жиҳати, биринчидан, унинг соддалиги ва шаклланишининг осонлигида бўлса, иккинчидан, қонун ҳужжатларининг тезроқ қабул қилинишида кўринади. Лекин икки палатали парламентнинг афзалликлари кўпроқ.

Чунки, икки палатали парламент тизимида мувозанатни сақловчи иккинчи палата мавжуд, аҳолининг турли қатламлари ва мамлакатнинг турли маъмурий-жуғрофий ҳудудлари манфаатлари кенгроқ ифода этилади, қабул қилинадиган қонунларнинг янада пишиқроқ ва мукаммалроқ бўлиши таъминланади ва ҳоказо.

Жаҳон тажрибасига кўра, икки палатали парламентлар одатда қуйи ва юқори палаталардан иборат бўлиб, қуйи палата бевосита фуқаролар томонидан сайловлар асосида шакллантирилади. Юқори палата эса маъмурий-ҳудудий бўлинмалар (вилоятлар)нинг тенг миқдордаги вакилларидан иборат бўлади ва қоидага кўра, ушбу ҳудудлар манфаатларини ифодалайди.

Қолаверса, палаталарнинг бир-бирини тийиб туриши, парламент ва бошқа ҳокимият тармоқлари орасида ўзаро мувозанатнинг вужудга келиши жамиятда сиёсий барқарорлик асоси бўлиб хизмат қилади. Шу билан бир қаторда сиёсий партияларнинг аҳамияти ортиб, уларнинг қонунчилик соҳасидаги иштироки фаоллашади, фикрлар хилма-хиллигига янада кенгроқ шароитлар яратилади.

Икки палатали парламентнинг вужудга келиши қонун чиқарувчи ҳокимият ролининг ошишига ва парламентнинг қабул қилинган қонунлар ижроси устидан назорати кучайишига, натижада эса, қонунларнинг яхшироқ ижро этилишига олиб келади. Шу сабабли ҳам жаҳондаги тараққийпарвар мамлакатлар ўз миллий парламентларини икки палатали тизимга ўтказиш учун интилмоқдалар.

## ПАРЛАМЕНТ ҚАНДАЙ ШАКЛЛАНТИРИЛАДИ?

Парламентни шакллантиришнинг қатор усуллари мавжуд бўлиб, улар орасида энг кенг тарқалгани — парламентнинг умумхалқ сайлови асосида шакллантирилишидир.

Агар парламент икки палатадан иборат бўлса, одатда, унинг қуйи палатаси аъзолари бевосита фуқаролар томонидан сайланади. Юқори палатаси эса турли йўллар билан, хусусан, умрбод ёки муайян муддатга тайинлов асосида, ворислик натижасида, қуйи палата аъзолари орасидан сайлов ўтказиш йўли билан, турли ижтимоий табақа аъзоларига муайян ўринлар ажратиш орқали, маъмурий-ҳудудий мансублик асосида шакллантирилиши мумкин.

Масалан, икки палатали парламентга эга бўлган Францияда қуйи палата аъзолари бевосита ушбу мамлакат фуқаролари томонидан сайланади, юқори палата эса маъмурий ҳудудлар (вилоятлар)нинг вакиллик органлари томонидан шакллантирилади. Бундай усул Голландияда ҳам қўлланилади.

Буюк Британия парламентининг қуйи палатаси (Вакиллар палатаси) аъзолари бевосита фуқаролар томонидан сайланса, юқори палата (Лордлар палатаси) таркибининг учдан икки қисми ворислик асосида шаклланади, қолган қисми эса Қиролича томонидан тайинланади.

Норвегия ва Исландияда парламентларнинг қуйи палаталари аъзолари халқ томонидан сайланади, юқори палаталари эса айнан қуйи палата аъзолари орасидан ушбу палата йиғилишида сайлов асосида шакллантирилади. Осиё қитъасида жойлашган Қатар давлати парламентининг барча аъзолари давлат раҳбари томонидан тайинланади. Миср, Ҳиндистон ва Хитой давлатларида аҳолининг алоҳида синфлари (деҳқонлар, ишчилар, ҳарбийлар) учун мамлакат парламентида муайян ўринлар ажратилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг янги тизимга муваффақиятли ўтиши ва икки палатали парламент сифатида самарали фаолият олиб бориши учун барча ҳуқуқий замин деярли тайёр бўлди, дейиш мумкин. 2003 йил 28 августда янги таҳрирда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги қонунда мамлакатимиз Парламентини шакллантириш йўллари ўзининг аниқ ифодасини топган.

Ушбу Қонунга кўра, Олий Мажлис қуйи палатаси — Қонунчилик палатаси аъзолари, яъни депутатлар Республика фуқаролари томонидан, юқори палата — Сенат аъзоларининг, яъни сенаторларнинг асосий таркиби эса Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан тенг миқдорда — олти кишидан сайланади. Сенатга сайлов Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органлари депутатларининг тегишли қўшма мажлисларида мазкур депутатлар орасидан яширин овоз бериш йўли билан сайланади. Сенатнинг ўн олти нафар аъзоси эса мамлакат Президенти томонидан тайинланади.

Демак, қуйи палата депутатлари тўғридан-тўғри сиёсий партиялар ва ташаббускор гуруҳлар кўрсатган номзодлар орасидан сайланса, сенаторлар эса поғонали сайлов ва тайинлов асосида шакллантирилади. Бу миллий парламентимиз шакллантирилишининг ўзига хос муҳим жиҳати саналади.

Қонунга биноан, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари бундан буён депутатликка номзод кўрсатиш ҳуқуқидан фойдаланмайдилар. Эндиликда сайловчиларнинг ўзлари ва сиёсий партиялар Олий Мажлис Қонунчилик палатасига бўлиб ўтадиган сайловларда янада фаол қатнашиш ва бу орқали, давлат ва жамият бошқаруви ишида кўпроқ иштирок этиш имконига эга бўлдилар. Олий Мажлис депутатлигига номзод қилиб кўрсатилаётган шахс сайлов кунига қадар йигирма беш ёшга тўлган, сўнгги беш йил давомида Ўзбекистон ҳудудида муқим яшаган бўлиши лозим.

Мамлакатимиз парламентига бўлиб ўтадиган сайловларни ташкил этиш, ўтказиш ва натижаларини сарҳисоб қилишда Республика Марказий сайлов комиссияси муҳим ўрин тутади. У мустақил орган ҳисобланади ва ўз фаолиятида фақат Ўзбекистон Республикаси Конституциясига, сайлов тўғрисидаги, референдум тўғрисидаги ҳамда бошқа тегишли қонунларга амал қилади.

Марказий сайлов коммиссиясини холис орган эканлигининг яна бир исботи шундаки, у Олий Мажлис томонидан камида ўн беш нафар аъзодан иборат таркибда тузилади, комиссияси аъзолигига номзодларни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар кенгашлари тавсия этадилар. Бундан кўриниб турибдики, Марказий сайлов комиссиясини алоҳида бир органнинг ўзи шакллантира олмайди.

Бу каби омиллар, албатта, сайловларнинг адолатли ва ҳаққоний ўтишига хизмат қилади.

## ПАРЛАМЕНТ ВАКОЛАТЛАРИ ВА УНИНГ ТАҚСИМЛАНИШИ

Ваколатлари бўйича дунёдаги парламентларни шартли равишда тўрт гуруҳга ажратиш мумкин. Булар мутлақ чекланмаган ваколатли, чекланган ваколатли, расман чекланмаган, лекин «қоғоздагина мавжуд» ваколатли ва декоратив ваколатли парламентлардир.

Мутлақ чекланмаган ваколатли парламент давлатнинг бошқа органлари ваколатларига кирмайдиган ҳар қандай масала бўйича тегишли қарор қабул қила олади. Бундай парламентнинг бошқа давлат органларига нисбатан устуворлиги ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан тан олинади. Чекланмаган ваколатли парламентлар парламентар республикаларга хосдир. Бироқ, баъзи масалаларда белгиланган тартибга амал қилишлари лозим бўлади. Масалан, улар қабул қилган қонунга давлат раҳбари томонидан вето, бошқачароқ айтганда — тақиқ қўйилиши мумкин. Қолаверса, ҳатто бундай ваколатли парламент ҳам белгиланган тартибда тарқатиб юборилиши мумкин. Шунингдек, парламент қабул қилган муайян ҳужжат Конституциявий суд томонидан конституцияга зид деб топилиши мумкин. Конституцияга зид деб топилган ҳужжат эса, табиийки, амалга киритилмасиданоқ ўз кучини йўқотади. Буюк Британия ва Италия парламентларини мутлақ чекланмаган ваколатли парламентлар қаторига киритиш мумкин.

Чекланган ваколатли парламентлар, одатда, президент бошқарувига эга давлатларда фаолият кўрсатади ва конституция ҳамда қонунларда белгиланган ваколатлардан ташқари бошқа ваколатларга эга бўлмайди. Бунга Франция парламенти мисол бўлади.

Расман чекланмаган, лекин «қоғоздагина мавжуд» ваколатли парламентлар асосан тоталитар тузумга асосланган мамлакатларга хос. Собиқ СССР Олий Кенгаши айнан шундай парламент эди. СССР Олий Кенгаши давлат ҳокимиятининг барча ваколатларига эга ҳисобланса-да, ўз ваколатларидан мустақил равишда фойдалана олмасди. Чунки СССР Олий Кенгаши амалда собиқ Совет Иттифоқи Коммунистик партиясининг қўғирчоғи эди.

Декоратив ваколатли парламентлар, одатда, монархия режимига эга бўлган мамлакатларда бўлади. Бундай парламентларни, масалан, Форс кўрфазида жойлашган айрим мамлакатларда кўриш мумкин. На расмий, на амалий ваколати бўлган бундай парламентнинг барча аъзолари, одатда, давлат раҳбари томонидан тайинланади. Декоратив ваколатли парламентлар давлат ишларида баъзи масалаларда тавсиялари билангина иштирок этадилар, холос.

Миллий парламентимиз фаолиятини самарали ва умумэътироф этилган халқаро андозаларга мос ҳолда ташкил этиш мақсадида Конституциявий қонунларда Олий Мажлис палаталарининг ваколатлари аниқ белгилаб берилган.

Уларда Олий Мажлис юқори ва қуйи палаталарининг биргаликдаги ҳамда мутлақ ваколатлари доираси ифода этилган. Юқори палата — Сенат ва қуйи палата — Қонунчилик палатасининг биргаликдаги ваколатларига, жумладан, Конституцияни қабул қилиш, унга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш; турли қонунлар қабул қилиш;

ички ва ташқи сиёсатнинг асосий йўналишларини белгилаш; қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимияти органларининг ваколатларини белгилаш; бож, валюта ва кредит ишларини тартибга солиш; солиқларни жорий этиш; бир қатор маъмурий-ҳудудий маса[illegible]ларни [illegible]ш; мукофот ва унвонларни таъсис этиш; Бош вазир номзодини тасдиқлаш каби ваколатлар киради.

Палаталарнинг биргаликдаги ваколатларига кирадиган масалалар, қоида тариқасида, аввал Қонунчилик палатасида, сўнгра Сенатда кўриб чиқилади.

Олий Мажлис Сенатининг мутлақ ваколатлари қаторига, хусусан, Сенат Раиси ва унинг ўринбосарларини сайлаш; Конституциявий судни, Олий судни ва Олий хўжалик судини сайлаш; Республика Президентининг тайинлов тўғрисидаги бир қатор фармонларини тасдиқлаш ва шу каби бошқа ваколатлар киритилган.

Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари қаторига палата Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлаш; палата депутатини дахлсизлик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш; ўз фаолиятини ташкил этиш ва палатанинг ички тартиб қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан бошқа қарорларни қабул қилиш каби ваколатлар киритилди.

Мамлакатимиз парламенти Конституция ва қонунларимизда белгиланмаган ваколатларга эга эмас. Айни шу жиҳатлари билан Ўзбекистон Олий Мажлиси ва Франция Парламенти бир-бирига ўхшаб кетади.

Олий Мажлис палаталари ўз фаолиятларини ташкил этишда ҳамда ўзларининг ички тартиб-қоидалари билан боғлиқ масалалар юзасидан қарорлар қабул қилишда тегишли палаталарнинг регламентлари тўғрисидаги қонунларга риоя этишлари лозим.

Хуллас, ваколатлар тақсимланишига алоҳида ёндашилгани, яъни биргаликдаги ваколатлар, Сенатнинг мутлақ ваколатлари ва Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатлари аниқ белгилангани икки палата ишининг тўғри ва самарали олиб борилишига йўл очади.

## ПАРЛАМЕНТ ТУЗИЛМАЛАРИ

Парламентнинг фаолияти уларда тузиладиган муайян органлар ишининг қай тартибда ташкил этилиши ва улар қандай ваколатларга эга бўлишига чамбарчас боғлиқ.

Олий Мажлиснинг умумий бошқарувини таъминлаш ва фаолиятини самарали ташкил этиш мақсадида парламент палаталари раҳбарияти (Сенатда — Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари, Қонунчилик палатасида эса палата Спикери ва унинг ўринбосарлари) сайланади.

Сенат Раиси ва унинг ўринбосарлари Сенат аъзолари орасидан, Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари эса Қонунчилик палатаси депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали сайланади. Сенат Раиси ва Қонунчилик палатаси Спикери тегишли палаталарга раҳбарликни амалга оширадилар.

Бу ерда «Спикер» деган тушунча қўлланилганига эътибор қаратиш керак. Икки палатали парламент тизимига эга бўлган кўпгина мамлакатларда юқори палата билан қуйи палата раҳбарининг бир хил номланиши айрим тушунмовчиликларга сабаб бўлаётгани боис, Қонунчилик палатаси раҳбарини «Спикер» деб аташ маъқул топилди.

Палаталар фаолиятини самарали ташкил этиш, қўмиталар ишини мувофиқлаштириб бориш, қонун лойиҳаларини тайёрлаш ишини режалаштириш масаласини дастлабки кўриб чиқишни таъминлаш мақсадида палата Кенгаши тузилади. Қонунчилик палатаси ва Сенат Кенгашлари, табиийки, бир-бирига ўхшаса-да, айрим жиҳатлари билан фарқланади.

Масалан, Қонунчилик палатасининг Кенгаши таркибига мазкур палатада тузилган фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари ҳам киради. Сенат Кенгашининг таркибида эса, ушбу палатада бундай бирлашмалар тузилмагани сабабли, фракциялар ва депутатлар гуруҳларининг раҳбарлари иштирок этмайди.

Қонунчилик палатасининг Кенгаши ҳам, Сенатнинг Кенгаши ҳам ушбу палаталар мажлислари оралиғида заруратга қараб йиғилиши қонунда белгиланган. Палата Кенгашлари ўз ваколатлари доирасига кирувчи масалалар бўйича тегишли қарор қабул қилади. Қонунчилик палатасида палата Спикери, Сенатда эса ушбу палата Раиси тегишли Кенгашга раҳбарлик қилади.

Олий Мажлис палаталари муҳокамасига киритиладиган масалаларни дастлабки тарзда кўриб чиқиш ва тайёрлаш, қонунлар ҳамда палаталар томонидан қабул қилинадиган қарорлар ижросини назорат қилиш учун қўмиталар тузилади. Қўмита раиси, унинг ўринбосари ва аъзолари сайланади.

Қонунчилик палатаси қўмиталари палатада қонун лойиҳаларини тайёрлаш иши билан ҳам шуғулланади. Сенат қўмиталари ҳам, Қонунчилик палатаси қўмиталари ҳам ўз палаталари олдида жавобгар ва ҳисобдордир.

Сенат қўмиталарининг умумий сони, қоида тариқасида, саккизтадан, Қонунчилик палатасида эса ўнтадан ошмаслиги керак. Таъкидлаш жоизки, бундай чеклов қонун чиқарувчи ҳокимият ходимларини ҳаддан зиёд кўпайтирмаган ҳолда уларнинг фойдали фаолият олиб боришига қаратилган.

Муайян вазифаларни бажариш учун Олий Мажлис палаталари комиссиялар тузишлари ҳам мумкин. Бунда комиссияларни тузишдан кўзланган мақсад ва уларнинг ваколатлари доираси ҳам белгилаб берилади. Комиссиялар зиммаларига юклатилган вазифалар бажарилганидан кейин ёки тегишли палатанинг қарорига биноан муддатидан илгари тугатилади.

Депутатлар бирлашмалари Олий Мажлиснинг фақат Қонунчилик палатасида ташкил этилади. Чунки фақат шу палата сиёсийлашган ҳисобланади. Сенат сиёсий партиялар манфаатларини эмас, балки Ўзбекистоннинг маъмурий-ҳудудий бирликлари: Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри манфаатларини ифода этади. Унда ҳудудий мансублик асосида бирон-бир бирлашма тузиш қонунга зид ҳисобланади ва бунга йўл қўйилмайди.

Мазкур масала бўйича миллий қонунчилигимизнинг фарқли жиҳатларидан яна бири шундан иборатки, Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари ўз ваколатларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб турадилар ва фракция ёхуд депутатлар гуруҳи таркибига киришлари мумкин эмас. Ушбу меъёр, шубҳасиз, Қонунчилик палатасида муайян бир партия ёки гуруҳнинг яккаҳокимлигига йўл қўймаслик мақсадида ишлаб чиқилган.

Депутатлар бирлашмалари, яъни фракциялар ва депутатлар гуруҳлари, ваколатлари бир қадар кенгайтирилиб, улар Қонунчилик палатаси мажлисининг кун тартиби, муҳокама қилинаётган масалаларни кўриб чиқиш тартиби ва моҳияти юзасидан таклифлар ҳамда фикр-мулоҳазалар киритади. Шунингдек, улар Келишув комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиш тўғрисидаги масалани қўяди, палата мажлисида муҳокама қилинаётган масала юзасидан ўзларининг фикрларини депутатлар ўртасида тарқатади, қонун лойиҳалари ва бошқа қарорларнинг лойиҳалари юзасидан ўз таклифларини киритади, ҳукумат аъзоларининг фаолияти юзасидан тегишли ахборотни эшитиш тўғрисидаги масалани қўяди.

## ҚОНУНЧИЛИК ЖАРАЁНИ

Қонунчилик жараёнига ҳар доим катта аҳамият бериб келиниши бежиз эмас. Ҳамма учун тушунарли, ҳаётий, адолатли, мукаммал ва пишиқ қонунлар яратиш биринчи навбатдаги вазифа деб қаралади.

Қонунчилик ўта мураккаб жараён ҳисобланиб, уни шартли равишда уч босқичга ажратиш мумкин: қонунчилик ташаббуси, қонун лойиҳасининг парламент (унинг палаталари)даги муҳокамаси ва у бўйича муайян қарор қабул қилиниши, қабул қилинган қонуннинг имзоланиши ва эълон қилиниши.

Конституциямизнинг 83-моддасига кўра, қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига Ўзбекистон Республикаси Президенти, ўз давлат ҳокимиятининг олий вакиллик органи орқали Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Конституциявий суди, Олий суди, Олий хўжалик суди, Бош прокурор эга.

Бундай ҳуқуқ қонун лойиҳасини Қонунчилик палатасига киритиш орқали амалга оширилади.

Қонунчилик ташаббуси ҳуқуқининг айнан номлари зикр этилган субъектларга берилишида чуқур маъно бор. Негаки, мазкур субъектлар умумдавлат аҳамиятига молик вазифаларни ҳал қилишга бевосита алоқадордир.

Маълумки, Ўзбекистон Республикасининг бўлажак икки палатали парламент тизимида Олий Мажлиснинг Сенати, унинг аъзолари қонунчилик ташаббуси ҳуқуқига эга бўлмайдилар. Шу ўринда савол туғилади. Хўш, нима учун қуйи палата қабул қилган қонунларни маъқуллайдиган ёки рад этадиган, давлат ва жамият ҳаётига оид муҳим масалаларни ҳал қиладиган сенаторлар бундай ҳуқуққа эга бўлмайди?

Тўғри, кўпгина ривожланган давлатлар парламентида ҳар иккала палата аъзолари қонунчилик ташаббусига эга. Лекин парламент тажрибаси бу ўзини оқламаётганини кўрсатмоқда. Бундан ташқари, айрим экспертлар бу амалиётни нотўғри деб баҳоламоқдалар.

Бизда иккала палата ўртасида у ёки бу қонунни қабул қилишда ўзаро тил бириктириш ёки келишувчанликка йўл қўймаслик нуқтаи назаридан, Сенат ва сенаторларга қонунчилик ташаббуси ҳуқуқи берилмади.

Қонун лойиҳаси чуқур таҳлил ва ўрганишни тақозо этади. Тайёрланган ҳар қандай қонун лойиҳаси аввал қуйи — Қонунчилик палата депутатлари муҳокамасидан ўтади. Депутатлар уни қабул қилгандан сўнг парламентнинг юқори палатаси — Сенатга юборилади ва мазкур палата аъзоларининг тасдиғидан ўтади. Сенат рад этган қонун ҳужжати Қонунчилик палатасига қайтарилади.

Албатта, парламент икки палатадан иборат бўлганидан кейин улар ўртасида қонунларни қабул қилиш ва маъқуллаш жараёнида келишмовчиликлар чиқиши мумкин. Бундай ҳолатда, қонунда белгиланганидек, палаталар ўртасида тенглик асосида келишув комиссияси тузилади. Шу ўринда эътироф этиш керакки, келишув комиссияси деган тушунча миллий қонунчилигимизга биринчи маротаба кириб келаяпти.

Парламент палаталари муҳокамаси ва тасдиғидан ўтган қонун имзолаш ва эълон қилиш учун Республика Президентига юборилади.

Президент қонунни ўз эътирозлари билан Олий Мажлисга қайтаришга ҳақлидир.

Қолаверса, бундан буён, қонун лойиҳаларини биринчи, иккинчи ўқишда қабул қилишдан ташқари, ҳатто учинчи ўқишда қабул қилиш институти ҳам пайдо бўлиши қонунчилик жараёнидаги энг муҳим янгиликлардан бири бўлади, дейиш мумкин.

## ПАРЛАМЕНТ НАЗОРАТИ

Мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов биринчи чақириқ Олий Мажлиснинг ўн иккинчи сессиясида қонуннинг қабул қилиниши ишимизнинг ярми эканлигини, уларни ҳаётга тадбиқ этиш эса ишнинг қолган қисми эканини асосли равишда таъкидлаган эдилар.

Жаҳон парламентчилиги фаолиятида ҳам унинг назорат функциясидан самарали фойдаланилади. Масалан, АҚШда қонун чиқарувчи ҳокимият, яъни Конгресс ижроия ҳокимиятининг фаолиятини яқиндан текширади ва назорат қилади. Конгрессда иккита назорат қўмитаси фаолият юритиб, бордию мавжуд қонуннинг ижроси билан боғлиқ муаммо пайдо бўлса очиқ-ошкора бу ҳақда ахборот берилишини ташкил қилади. Буюк Британия парламенти таркибида ҳам назорат қўмиталари бор. Улар ҳам ижроия маҳкамалари вакиллари олдига турли хил саволлар қўйишлари мумкин.

Бизда икки палатали парламент тизимида парламент назоратининг самарасини ошириш учун ҳуқуқий асослар янада мустаҳкамланди, хусусан, парламентнинг қонунларнинг қай даражада ижро этилаётганини аниқлаш ва бу борада тегишли қарор қабул қилиш ҳуқуқи қонунда алоҳида белгилаб қўйилди.

Бу эса қонун чиқарувчи хокимиятнинг адолатли қонунлар яратишдаги ҳаракатини таъминлабгина қолмай, маъқулланган қонунлар ва Сенат томонидан чиқарилган қарорлар ижросини қатъий назорат қилиш имконини ҳам яратади.

Қонунда қонунчилик палатаси ва ушбу палата депутати, Сенат ва Сенат аъзоси давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг мансабдор шахсларига уларнинг ваколатларига кирадиган масалалар юзасидан асослантирилган тушунтириш бериш ёки нуқтаи назарини баён қилиш талаби билан парламент сўрови йўллашга ҳақли эканлиги кўрсатилган. Илгари фақат депутат сўрови бўлар эди. Энди қонун чиқарувчи ҳокимият давлат ҳокимияти тизимининг мувозанатини янада яхшироқ таъминлаши учун ҳам парламент сўрови институти жорий этилди.

Фикримча, парламент назоратини амалга оширишнинг мақсадларини шартли равишда тўртга бўлиш мумкин. Булар — қонуннинг самарадорлигига таъсир қилувчи омиллар ва шароитларни аниқлаш; ҳар бир ҳуқуқий меъёрнинг аниқ ижтимоий муносабатларни тартибга солиш учун хизмат қилишини таъминлашга эришиш;

қонундаги камчиликни зудлик билан бартараф этиш; қонунлар ижросини таъминлашда мансабдор шахсларнинг юксак масъулиятини ҳамда фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишни таъминлаш.

Қўшимча қилиб айтиш мумкинки, парламент назорати кимнидир ёки қайсидир мансабдор шахсни жазолаш учунгина эмас, балки қабул қилинган қонунларнинг самарадорлигига эришишга қаратилган.

Хулоса қилиб айтганда, Юртбошимиз белгилаб берган йўналишга мувофиқ демократик асосдаги икки палатали парламентга ўтиш учун барча шароитлар яратилди. Ишонамизки, янги парламентда қабул қилинадиган ҳар бир қонун ҳужжати фуқароларнинг хоҳиш-иродасини тўлиқроқ ифодалайди, турли сиёсий кучлар манфаатларини ўзида мужассамлаштиради, демократик қадриятлар янада мустаҳкамланади.

**Нуриддинжон ИСМОИЛОВ,**
**Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси**
**(ЎзА).**

Шарқ дурдоналари

## Оз-оз ўрганиб доно бўлур...

● Қадр-қимматни, «етти ёт бегонадан» тортиб, инсон зоти борки, ҳаммасини эъзозлашимиз керак. Ишонган боғимиз, суянган тоғимиз — ота-онамиздек азизу ноёб зотларни қайта топиб бўладими?! Атрофимизда юрган ака-ука, опа-сингил, қариндош-уруғ, дўсту ёр, қўни-қўшни, ҳамма-ҳаммамиз бир-биримизга ғаниматмиз.

ҲИКОЯТ.

Бир кекса кампирнинг якка-ёлғиз ўғли бўлиб, у уйлангач хотинининг сўзига кириб онасига овқат берганда туртар, сўз айтганда жеркар, волидасига ҳеч рўшнолик кўрсатмас экан. Вақти қазоси етиб, она вафот этибди, ўғли эса эл-юрт ўртасида обрў-эътибор топмоқчи бўлиб онаси тобути устида гирён уриб йиғлабди, кейин ҳар маъракасида қозон-қозон ош дамлаб элга едирибди. Бир кун она ўғлининг тушида оқ кафанга ўралиб келиб, йиғлаб нола қилибди:

— Эй болам, мен учун энди азият чекиб ҳар хил маъракалар қилмай қўя қол, мен жаннатдаман, — дебди, сўнг икки мисра мана шу шеърни айтибди:

**Тиригимда айламадинг**
**мени дил шод,**
**Ўлганимда хоҳ қилгин**
**шод, хоҳ қилма шод.**

● Одамзод тириклигининг зийнати бир-бирини қадр-қиммат қилиб, меҳр-оқибат кўрсатиши билан безанади. Одатда, яхши одамлар иззат-талаб, ҳақталаб, илтимос талаб бўлишмайди. «Мен мана бундай меҳнат қилдим, мен мана бундай иш кўрсатиб қўйганман», деб кўкракка урмайдилар, шон-шавкатларини кўтаришга аюҳаннос солиб, мукофот талаб қилишмайди. Яхшилар ҳалол меҳнатлари билан эл-юртга катта фойда келтириб, камтарона ҳаёт кечираверадилар. Ҳеч бир қадр-қиммат, меҳр-оқибат кўрмайдилар, буни ўзлари билиб, ўзлари эзиладилар. Қазои муаллақ етиб келганда эса: «Ҳаёт шунақа экан-да», деб кўзга сўнгги ёшни оладилару бу дунёдан кетадилар. Олижаноб ва покдил бундай одамларнинг атрофида юрган баъзи калтафаҳм, нодон, худбин кимсалар уни қадрлашни, меҳр-оқибат кўрсатишни хаёлга ҳам келтирмайдилар. Чунки пок одам ҳалол яшаган, худбинларга қўшилиб ҳаром емаган, уларга елпатаклик ҳам қилмаган. Қора юрак кимсалар тўғри ва ҳалол одамни. ёқтирмай, ҳатто номини ёмон отлиққа чиқаришга ҳамла ҳам қиладилар.

«Қилмиш — қидирмиш» деганларидек, қора юрак кимсалар кўп ўтмай ҳаётдан тегишли азоб ва жазони оладилар. Ачинасан, ачинасан, яхши одам қадрини тополмай кетганига ачинасан. Лекин, олтин коса сингани билан баҳоси паст бўлиб қолмаганидек, яхши одамнинг қадр-қиммати ҳеч қачон йўқолмайди, номи ўчмайди. Дунёда яхшилар бор экан, ёмонлик ғолиб чиқолмайди.

ҲИКОЯТ. Бир доно ҳакимдан одамлар сўрашди:

— Бу дунёда яхшилар кўпми, ёмонларми?

Доно ҳаким жавоб берди:

— Дунёда яхшилар кўп, ёмонлар оз... Бир тасаввур қилинг. Бир челак тоза сувга бир томчи қора сиёҳ тушса, ҳаммасини булғайди. Она табиат эса сувни ҳаволатиб, оқизиб, думалатиб, барибир қора сиёҳ доғидан тозалайди... Одамлар ҳам шундай, тозалик, поклик, софдиллик инсон табиатида олам охиригача туради, яхшилар борки, бу дунё гуллаб-яшнаб омон яшаяпти...

Байт:

**Боқаман кўзда зиё, мангу барқарор дунё,**

**О, кенгга кенгдир дунё, торга эса тор дунё.**

**Кимдир ҳаёт ошиғи, баланд парда қўшиғи,**

**Суйганга суюк дунё, суймаганга тор дунё.**

*Ўзбекистон ва жаҳон*





# ҲАМКОРЛИК САРИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси Олий Мажлис ва халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига сайлов кампанияси бошланганини эълон қилди. Шу муносабат билан "Жаҳон" АА мухбири Россия Федерацияси Марказий сайлов комиссияси раиси Александр Вешняков билан суҳбатлашди.**

— Июнь ойида икки давлат раҳбарлари томонидан имзоланган Россия ва Ўзбекистон ўртасидаги Стратегик ҳамкорлик тўғрисидаги битим икки мамлакат муносабатларида янги даврни бошлаб берди. Айтиш кераккки, унинг самарадорлигини ошириш учун тарихий асослар мавжуд, асосийси, давлатларимиз раҳбарларининг сиёсий иродалари ҳамда бир бирини яхшироқ билишга, тушунишга, қўллаб-қувватлашга, биз яшаётган бу мураккаб дунёда ўзларини ҳимоя қилишга ҳаракат қилаётган халқларимизнинг интилишлари бор.

Россия сайлов комиссияси ўзбекистонлик ҳамкасбларимизнинг парламент сайловларига тайёргарлик билан боғлиқ тадбирларда иштирок этиш таклифини ижобий қабул қилди.

Мен ҳам қуёшли Ўзбекистонга бориш учун вақт топишга ҳаракат қиламан. Сизларнинг ажойиб мамлакатингизда ҳали бўлмаганман. Умид қиламанки, айнан шундай мулоқотлар сайловларни ташкил этиш ва уни ўтказишдаги ўзаро билимларимизни бойитади.

Чиндан ҳам бизда муайян тажриба бор ва бу билан ўртоқлашишга тайёрмиз. Бундан ташқари ҳар бир мамлакат ўзининг тажрибасига эга. Ўз навбатида биз ҳам Ўзбекистоннинг тажрибаларини ўрганиш ниятидамиз.

Ўзбекистонда икки палатали парламент ташкил этиш йўлидаги сайловларга тўхталадиган бўлсак, айтиш керакки, одатда икки палатали парламент йирик, асосан, федератив давлатларга хосдир. Нима учун Конституцияси 1993 йил умумхалқ овози билан қабул қилинган Россия айнан шу тизимни танлади? Биринчи палата жамиятнинг турли қатламлари сиёсий иродаларини ифодаласа, иккинчи ёки шартли равишда юқори деб аталадиган палата, сайловчилар сонидан қатъий назар ҳар бир ҳудуддан вакилларнинг тенг миқдори билан Россия Федерациясининг ҳудудлари манфаатларини ҳимоя қилиши керак.

Икки палатанинг фаолияти ҳудудларнинг хусусиятларини инобатга олиш имкониятини беради. Бу Россия учун жуда муҳим. Агар Ўзбекистон ҳам шундай йўлни танлаган бўлса, менимча, бу нарса ўз ўзидан тушунарлидир.

Сайловларни ташкил этишнинг технологик томонларига тўхталадиган бўлсак, таъкидлаш керакки, биз Россияда қўллаётган усул ва информацион технологиялар юзасидан фикр алмашишга тайёрмиз. Янги технологияларни қўллашда, айниқса овоз беришга алоҳида эътибор қаратиш керак. Агар жамият бунга тайёр бўлмаса ёки унга ишонмаса бу йўлни тутмаган маъқул. Вақтни аямай бу йўналишда изланиш керак, токи кишилар сайловларда қўлланилаётган замонавий технологиялар фойда беришига ишонишсин. Ҳозирча дунёнинг кўпгина мамлакатлари асосан оддий тарзда овоз беришади, яъни сайлов варақаларини тўлдириб, уларни тамғаланган қутиларга ташлашади. Кейин қутиларни очиш ва овозларни санаш жараёни. Буларнинг ҳаммаси қўлда бажарилади.

Давлат мустақиллик берган имкониятлардан унумли фойдаланиши, унинг фуқаролари эса хоҳиш- иродаларини эркин ифодалашдан, демократик сайлов имкониятларидан фойдаланиши керак. Мен кутилаётган сайловлар Ўзбекистоннинг янада гуллаб-яшнашига хизмат қилишини истардим, чунки ўзи каби мамлакатнинг буюк халқи бунга лойиқдир.

# ҚИЁМАТНИНГ АЙЁР ЧОПАРЛАРИ

**Бугун инсон узоқ ва яқиндаги турли манбалардан тарқатилаётган мафкуравий таъсир омилини ўзида ҳис қилган ҳолда яшамоқда. Ахборот оқимлари ўта тараққий этган замонамизда улардан четда бўлиш имкониятининг ўзи мавжуд эмас. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов томонидан 1998 йилдаёқ билдирилган ҳозирги замонда мафкура полигонлари ядро полигонлариданда кўпроқ кучга эга эканлиги ҳақидаги фикр кундалик ҳаётимизда ўзининг аниқ ифодасини топмоқда.**

Нью-Йорк ва Тошкент, Мадрид ва Москва, Бали ва Бесланда амалга оширилган ваҳшиёна террорчилик ҳаракатлари халқаро жиноятчиларнинг тактик қуроли холос. Экстремистларнинг стратегик аҳамиятга эга, янада каттароқ қувватга эга қуроли эса миллионлаб кишилар онгини бузишга қаратилган мафкурадир.

Шаккокликни қарангки, ушбу кимсалар асрлар оша инсонларга тинчлик ва меҳрибонлик ато этиб келаётган, уларни ўзиниўзи англаш ва маънавий мукаммалликка чорлаётган буюк диндан сурбетларча, кўзбўямачилик билан ғаразли мақсадлар йўлида фойдаланишга уринишмоқда. Террор «илҳомчи»лари миллионлаб кишилар онгини ҳийла-найранглик билан забт этиш ниятида пинҳона кўринмас жанг олиб боришаяпти.

Сўнгги пайтларда Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистонда ўз фаолиятини жонлантиришга уринаётган ташкилотлардан бири – бу «Ҳизб ут-Таҳрир аль-Ислами» ёки «Ислом озодлик партияси»дир. Мазкур диний-сиёсий, экстремистик ташкилот дунёвий давлатчиликни ағдариб, гўёки «умумий мусулмон биродарлиги ва бирлашуви» асосида ўрта асрларда бўлгани каби бир неча мамлакат ҳудудида халифаликни қайта тиклашни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. 1953 йил Қуддусда шаръий апелляцион суд ҳакам Такиуддин ан-Набахоний томонидан ташкил этилган «Ҳизб ут-Таҳрир» бугунги кунда араб оламининг 16 та давлатида тақиқланган. Улар орасида Саудия Арабистони, Иордания, Сурия, Миср, Ливан, Судан бор.

Миллатлараро ва динлараро адоватни авж олдириш, конституциявий тузумни ағдаришга қаратилган ҳаракатлари боис «Ҳизб ут-Таҳрир» фаолияти Ўзбекистон ҳудудида ҳам тақиқ остига олинган. Шунга қарамасдан, ташкилот минтақада ўта пинҳона тарзда иш юритиб, мусулмон аҳолиси онги ва диний-ахлоқий тушунчаларига зид бўлган мафкурани тарғиб қилишга уринмоқда.

Экстремистларнинг «ғоявий кураш»и улар одатда тилга олишни хуш кўрадиган «тинч ва куч ишлатилмайдиган услублар»да олиб борилаётгани йўқ. Шу йил апрель-март ва июль ойларида Бухоро вилояти ва Тошкентда содир этилган ҳамда кўплаб бегуноҳ инсонлар умрига зомин бўлган портлатишлар бунга ёрқин мисол бўла олади. Экспертлар «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг бундай «беозор» фаолиятига тегишли кўплаб далиллар мавжудлигини айтишмоқда.

Баъзи маълумотларга қараганда, «Ҳизб ут-Таҳрир» халқаро радикал ташкилотлар билан яқин алоқалар ўрнатган. Ушбу тўда вакиллари жангариларнинг турли машғулот лагерларида тайёргарлик ўташган ва ўташмоқда. Партия аъзолари томонидан яширинча тарқатилаётган варақа ва рисолаларда турли мамлакатлар конституциявий тузумларини ағдаришга чақирилган, бу эса ташкилотнинг ноқонуний фаолиятидан бевосита далолат бериб турибди. «Ҳизб ут-Таҳрир»нинг Марказий Осиё мамлакатлари ва Россияда қўлга олинган аъзолари ёнидан нафақат экстремистик мазмундаги адабиётлар, балки қурол-яроғ ва портловчи моддалар топилмоқда.

Германия ички ишлар вазири О.Шили ГФРда ушбу экстремистик ташкилотнинг тақиқланиш сабабларига тўхталиб, «Ҳизб ут-Таҳрир» мамлакатда мавжуд ҳуқуқий тартибни суиистеъмол қилиб, зўравонлик ва антисемит кайфиятини тарғиб қилганини таъкидлаган. У ташкилотнинг асосан ёшлар ўртасида фаолият юритишга ҳаракат қилганига эътиборни қаратган. Вазир «Ҳизб ут-Таҳрир» онгли равишда университетларда «ов уюштирмоқда», деб қайд этган.

Россияда ушбу ташкилот 2003 йил «мамлакат конституциявий тузумини куч қўллаш йўли билан ўзгартириш, Шимолий Кавказ минтақасидаги ноқонуний қуролли тўдалар ва радикал тизимлар билан алоқада бўлиш»га қаратилган фаолият учун тақиқланган.

Шунга қарамасдан «Ҳизб ут-Таҳрир» интернет тармоғи имкониятларидан кенг фойдаланган ҳолда, ўзини «қўй оғзидан чўп олмайдиган» қилиб кўрсатишга уринмоқда. Ажабланарли томони шундаки, кўплаб ҳуқуқ муҳофазачилари бор кучларини фитначилар партиясининг беозор эканлигини исботлашга сарфлашмоқда. У кўплаб мамлакатларда эркин фаолият юритаяпти, Лондонда эса бош қароргоҳини очган.

Афсуски курраи заминимизда ҳали ҳам «бу менга тегишли эмас» қабилида фикр юритаётган сиёсий кучлар ва баъзи давлат арбоблари бор. Улар «бизни бу муаммолар четлаб ўтади», деган фикрга қаттиқ ишонадилар. Табиийки, олам афкор оммаси асримизнинг бош касаллигига қарши курашда жипслаётган бир шароитда узоғи кўзланмаган бундай дунёқараш самарасиз ва ўта хавфлидир.

Террорчилар аллақачон бирлашиб бўлган. Анчадан бери давлат чегаралари, давлат мустақиллиги ва ахлоқ нормаларини тан олишмайди. Қудратли махфий марказлар кўп йиллар давомида мутаассиб шахсларни ёллаб, лагерларда тайёргарликдан ўтказиб бегуноҳ одамлар орасига йўллашмоқда, аёллар ва болаларни нишонга олишга ундашмоқда. Беслан фожиаси буни яна бир марта ёрқин намоён қилди. Мақсад – кишиларни қўрқитиш, ваҳимага солиш, ирода кучини синдириш, ўзини-ўзи ҳимоя қилиш ва қаршилик кўрсатиш қобилиятини йўқ қилиш.

Бир вақтнинг ўзида шубҳали кимсалар санғиб юриб, сохта диндорлик ва эътиқодни тарғиб қилишмоқда, атрофдагиларга халифаликнинг гўёки афзалликлари, «адолат ва фаровонлик салтанати» ҳақида пичирлашмоқда.

Бундай кимсаларга ишонманг. Бир-бирларининг машъум сирларини яширишга одатланган, ўта пинҳона «бешлик»ларга бўлинган, қайдан келаётгани номаълум долларларни «партиявий сафдош»ларига тарқатаётган бу фитначиларнинг кўнгиллари қора. Улар ўз хоҳишлари билан санғиб юргани йўқ. Улар кимлардир томонидан йўлланган ўйинчоқлардир. Улар ҳақ сўзни айтишмоқчими? Инсонларни бахтли қилишмоқчими? Бизни бадавлатликка етакламоқчими? Кулгили эмасми... Уларнинг кўнглида бошқа мақсадлар яшириниб ётибди, уларнинг зиммасига бошқа вазифаларни юклаб қўйишган...

Улар қотилларнинг ҳамтовоқларидир...

**Иқболжон СОЛИЕВ,**
**Олег ШАТУНОВСКИЙ.**
**«Жаҳон» АА**

*Шарҳловчи минбари*

## ФРАНЦИЯДА ҲУКУМАТ ИСЛОҲОТИ

**Францияда ҳокимият тузилмалари ўзгартириляпти. Янгиланишлар кўпроқ маҳаллий ҳокимият органлари тизимига жорий этилмоқда.**

Эндиликда жойлардаги маъмурий-бошқарув идоралари раҳбарлари — префектларнинг ваколат доираси кенгайтирилиши мумкин.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамасининг хабарига қараганда, ислоҳотлар режасини Франция ички ишлар вазирлиги ишлаб чиққан.

Ундан кўзланган асосий мақсад ҳокимият органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш ва қарорлар ижроси устидан назоратни кучайтиришдир.

Префект — Франция марказий ҳукуматининг департаментлар ва бошқа маъмурий бўлинмаларидаги вакили. У мамлакат вазирлар кенгаши томонидан тайинланади ва бош вазирга бўйсунади. Префект ойларда давлат ташкилотлари, маҳаллий сайлов йўли билан шакллантирилган ижроия органлари фаолиятини назорат қилади. Энди уларга марказий ҳукуматга тўғридан-тўғри бўйсундирилган идораларнинг фаолиятини кузатиб бориш ва маъмурий кенгашларга раҳбарлик қилиш ҳуқуқи ҳам бериладн.

Бу ислоҳотлар мамлакат парламенти томонидан маҳаллий ҳокимият идоралари ваколатини кенгайтириш тўғрисида қабул қилинган конституциявий қонун асосида амалга oширилаяпти. Қонунга биноан марказий ҳокимият таълим, касбий тайёргарлик ва тадбиркорликка оид масалаларни ҳал этиш вазифасини жойлардаги раҳбарларга топширади.

**Акмал НАЗАРОВ (ЎзА)**

*Диққат, янги бадиий фильм*

## ХЎЖА НАСРИДДИН: ЭКРАНДАГИ УМР ДАВОМ ЭТАДИ

**Газета таҳририяти топшириғи билан яқинда «Ўзбекфильм» студиясига бордим. Бинонинг иккинчи қаватидаги хоналарнинг эшиги ланг очиқ экан. У ердан шовқин-сурон, изғирин шамол нафаси, сарвқомат тераклар ёмғир тагида қолиб баргларини шитирлатиб тебратиши, болакайларнинг қўнғироқдек овози, мусиқа садолари эшитилиб турарди. Ана шу монтаж хоналарида янги фильмларга сайқал беріляпти-да. Овоз — айтилган сўз, оҳанг, дала-даштни кезиб юрган шамолнинг «увиллаши» бир тасмага туширилиши учун тараддуд кетаяпти-да, деб ўйлаб қолдим. Бир хонага юзландим. У ерда барчага маълум ва маъқул бўлган «Ёрим кетаман дейди» ашуласи қайта-қайта ижро этилаётган эди.**

**Аниқроғи магнит тасмасига ёзиб олинган ашула марҳум Маҳмуджон Ғофуров ижросида янграмоқда эди. «Ёдгор» фильми билан танилган режиссёр Ҳилол Насимовни монтаж столи ёнида кўриб сўрадим:**

**— Насриддиннинг қўшиғини янги асарга киритмоқчимисиз? У 1945 йили ижро этилиб, 1946 йили «Насриддин саргузаштлари» кинокомедиясига киритилган эди.**

— Атайлаб шундай қилмоқчи бўлдик. Хўжа Насриддиннинг экрандаги ҳаёти давом этаётганини, бу сиймо халқимиз



ёдида абадий қолганини таъкидламоқчи бўлдик. Бу ашулани «замонавийлаштириб», унга янги аранжировка бериб, хонандаларга айттиришимиз ҳам мумкин эди. Бундай жўн йўлдан бормадик. 60 йиллик тарихга эга бўлган дурдона асарга — Н.Ғаниев тажрибасига мурожаат этиб маромига етказилиб айтилган ашуланинг кўпроқ кадр ортида янграшини маъқул топдик.

Режиссёр кадрларни бир-бирига улаш билан банд эди. Монтаж столига ўрнатилган жажжигина экранда Насриддин — артист Ражаб Адашев пайдо бўлди. У эшагини миниб боғ-роғларни, қадимий шаҳар кўчаларини, ниҳоят Шарқнинг бўёқларга, шовқин-суронга, савдогар ва харид қилувчиларга, мева ва сўзанага, дўппи ва қийиқчага — хуллас гавжум бозорига кириб боришини кўрдим. Гоҳ кадрда — Р.Адашев «ижросида», гоҳ кадр ортида «Ёрим кетаман дейди» ашуласи айтилди. Шу дақиқаларда монтаж хонасининг ёнгинасидаги кўрик залида ҳам шу куй тарала бошлади. Дарҳол у ерга бордик: икки қадам наридаги кўрик хонасида актёрлар, режиссёр ассистенти, оператор ёрдамчиси ҳали узил-кесил монтаж қилинмаган кадрларни кўраётган эканлар. Ражаб Адашев экрандаги воқеаларни кузатиб, ҳалиги таниш оҳангни хиргойи қилиб ўтирганини кўриб, савол бердик:

**— Ролдан мамнунмисиз? Кўп актёрлар Хўжа Насриддин образи устида ишлашга, саҳнада, экранда унинг ёрқин сиймосини гавдалантиришга ошиқади.**

— Нимасини айтасиз? Ёшлигимдан орзу қилардим. Латифаларини қайта-қайта ўқир эдим. Ўзимча Насриддиннинг қиёфасини тасаввур этардим. Мени шу ролга синаб кўришганида ҳаяжонландим. Бадиий кенгаш, режиссёр менга Хўжа Насриддин ролини беришга қарор қилганида бошим осмонга етди.

Муштарийга яна бир ахборот бериб ўтмоқчимиз. «Афанди ва Азроил» фильми Ғафур Ғуломнинг ҳикоялари асосида суратга олинди. Унинг режиссёри Ҳилол Насимов сценарийнинг ёзилишида ҳам иштирок этди. Асар бадиий кенгаш кўригидан ўтди. Яқин кунларда у томошабинга тақдим этилади.

**Ҳамидулла АКБАРОВ**

**СУРАТДА: «Афанди ва Азроил» фильмидан лавҳа.**

## БОЛАЛАР КАРДИОЖАРРОҲЛИК МАРКАЗИ

**Тошкент педиатрия тиббиёт институти клиникасида болалар кардиожарроҳлик маркази иш бошлади. Бу юртимизда болаларда учрайдиган юрак хасталикларини даволашга ихтисослашган учинчи шундай шифо масканидир.**

Марказни ишга тушириш ва жиҳозлаш учун бир миллион АҚШ долларидан кўпроқ маблағ сарфланди. Бу ишларни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ЮСАИД, Вестерн юнион ва Керелифт Интернешнл халқаро ташкилотлари билан ҳамкорликда амалга оширди.

Эндиликда бу ерда замонавий тиббий асбоб-ускуналар ёрдамида аниқ ташхис қўйиш, туғма юрак хасталигига чалинган болаларнинг ҳаётини асраб қолиш имкони яратилди.

— Марказда фаолият кўрсатаётган кардиожарроҳларингизнинг маҳорат ва тажрибаси таҳсинга сазовор, — деди Керелифт Интернешнл халқаро хайрия ташкилоти раҳбари Джеффри Глосс. — Улар жаҳон андозаларига мос замонавий тиббий жиҳозлардан моҳирона фойдаланган ҳолда энг мураккаб юрак операцияларини амалга оширяпти.

**Б.ХИДИРОВА, ЎзА мухбири**

*Мулоҳаза*

## СПЕКТАКЛДАН КЕЙИНГИ ЎЙЛАР

**Мустақиллик шарофати билан ҳаётимизда улкан ижобий ўзгаришлар юзага келиб, бозор муносабатига ўтишимиз билан тадбиркорликка, тижоратга катта йўл очилиб дўконлар, мулк эгалари пайдо бўлдиларки, Ватан равнақи, фаровонлиги йўлида жонбозлик кўрсатаётган юртдошларимиз сафи тобора ортмоқда.**

Атоқли ёзувчимиз Одил Ёқубовнинг Турғун Азизов режиссёрлигида Ўзбекистон Миллий академик театримизда саҳналаштирилган «Бир кошона сирлари» спектаклини кўрарканмиз беш қўл баробар бўлмаганидек давлат, бойлик кетидан қувиб, ўзини билмай қолган баъзи юртдошларимиз ҳам борлиги асарда кўзгуда кўрингандек кўрсатилганлигининг гувоҳи бўлдик.

Театр, бу — тарбия ўчоғи, унга келган томошабин кўрган спектаклидан нимаидир олиб кетиши сир эмас. У ёмон одатлардан, иллатлардан жирканса, ижобий яхши нарсалардан сабоқ олади, шундай эмасми?

Спектаклдаги «кульминацион нуқта» — онанинг оламдан ўтиши, Сарварбойнинг миллионларни (уларнинг ҳисоби йўқ) хайрия йўлида сочиб ташлаб (шу томони маъқул кўринди микан) Ҳаж сафарига отланишидами ёки «спектаклнинг ечими» — ширин бир оиланинг, халқимиз учун жонини куйдириб хизмат қиладиган эр-хотин шифокорлар оиласининг бузилиб, ажрашиб кетишларимикан? Хуллас шундай воқеа билан спектакль тугайди.

Мен спектаклни кўрар эканман, унинг ечимини ўзимча топишга интилиб бир хулосага келиб ўтирсам, спектакль қаҳрамони Сарварбой Дарвешалига «Мен билан бирга юринг, бирга сафар қилайлик», деса бўладими?.. Дарвешали бўлса саросимада «Мен сизни бир марта ҳаётга қайтардим, энди хизматкорингиз бўлиб саломатлигингизни ҳимоя қилиб юришим қолувдими» дейди. Шунда Дарвешалининг хотини Гулнозахон ҳе йўқ, бе, йўқ томдан тараша тушгандек «Бўлмаса менга рухсат беринг, Сарвар акам билан мен Ҳаж сафарига бирга борай» дея луқма ташлайди...

Аёл киши Ҳаж сафарига фақат тан маҳрами билан бориши кераклигини билмаса-я... Мен мана шундай воқеалар асносида ҳар каллада бир хаёл деганларидек қоғоз қоралашга жазм қилдим. Ўйлаб қараганда кейинги пайтда қўшиқ бўлмасин, пьеса бўлмасин томошабинни чорлашинига кўзлаб ёзилаётган, куйланаётган, саҳнага олиб чиқилаётганга ўхшайди, бу борада танқидчиларимиз ҳам андаккина муросаю мадора дегандек шоиру ёзувчи ҳамда драматургларимизга бироз бўлсада ён босишаётганга ўхшайди.

Бунинг натижасида миллий урф-одатларимиз, гўзал удумларимиз, қадрият ва маънавиятимизга унчалик тўғри келмайдиган асарлар ҳам юзага келмаяптими?...

Бу ёғини айтмай қўя қолай. Спектакль ўйналаётганида актёр кўп нарсаларни очиқ айтмасада, лекин томошабинга сўз тагида сўз борлигини етказиб бериш маҳоратини эгаллаган бўлиши керак, деб ўйлайман. Сиз бунга нима дейсиз, азиз газетхон?

**Жаҳонгир АБДУБАКИРОВ, меҳнат фахрийси**

